

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Иккинчи жаҳон уруши фахрийларининг истаклари асосида Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги “Ўзбекистон” ҳамда республика ҳудудидаги бошқа санаторийларга бир нафар кузатувчиси билан бирга бепул юборишни ташкил этиб, уларни зарур авиа ва темир йўл чипталари билан таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги белгиланган жойларда Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги ҳарбий техникалар намойишини ташкил этсин;

Ғалабага ўз ҳиссасини қўшган, Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, куч-қувватини аямаган ҳар бир фахрий, ҳар бир киши хотираси абадийлаштирилишини, уларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилишини таъминласин;

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофиа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда:

вилоят, шаҳар ва туманларда Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва

уни ўтказиш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги композициялар инсталляцияси, жумладан, уруш йилларининг қўшиқ ва куйлари, дастурхон тузаш ва тегишли шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этсинлар;

кўчалар ва майдонларни Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган плакатлар ва стендлар билан безашни таъминласинлар;

5. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган Дастур тадбирлари ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари вакилларини Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган асосий маросимларга темир йўл ёки автомобиль транспортда келиб-кейтиши, меҳмонхоналарда жойлаштириши, овқатланиши, маданий ҳордиқ чиқариши билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, зарур ҳолларда тегишли кийим-кечкалар билан таъминланиши;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳўмиблик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида —

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 16 апрель

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофиа вазирлиги Тошкент шаҳрида 2018 йил 9 май соат 21.00 да Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам салютини ташкил қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия тантанали тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларнинг кенг ёритилишини, тематик тадбирлар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларнинг ташкил этилишини таъминласинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

ИТТИФОҚ КАФИЛЛИГИ ОСТИДА

Малик СИНДОРОВ

Азамат Омонов оилада ёмон тарбия топмади. Маҳалла-қўйда ҳам “безори” деб ном чиқаргани йўқ. Аммо тақдир ҳукмидан қочиб қутулолмаслик аниқ. Ҳали бутун ҳаёти олдидан бу барваста йигит ҳам хато қилди. Ўзи билмаган ҳолда боши берк жиноят кўчасига кирди.



ПУШАЙМОННИНГ ЭРТА-КЕЧИ ЙЎҚ

Қилиш — қидирмиш, демаклар. Охирини ўйламай қўйилган шум қадам энгизгани 22 баҳорини қаршилаган Азамат, қолаверса, унинг жондан азиз жигарлари бошига оғир савдолар солиди. “Тарбияли” йигит, ўғрига айланб, жиноятчилар курсисига ўтирди.

Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлими томонидан айбланувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддаси 1-қисми ҳамда 166-моддаси 3-қисми, “а” банди билан жиноят иши қўзғатилган эди. Яқинда бу иш Жиноят ишлари бўйича туман судида икки томон ва гувоҳлар иштирокида қўриб чиқилди. Мажлисида Ўзбекистон ёшлар

иттифоқи ҳамда Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши вакиллари ҳам иштирок этганини алоҳида таъкиллаш жоиздир.

Айтиш керак, суд жараёнидаги ушбу тақдиротлар вакиллари Азамат Омоновнинг шахси ва оиласини обдон ўрганиб чиққанди.

Чуқур таҳлиллар натижасида тенгдошимизнинг муқаддам судланмагани, бўйдоқлиги, чин кўнгилдан пушаймонлиги, қолаверса, маҳалла раиси ҳамда фаоллари томонидан берилган фикрномалар ҳақиқий экани аниқланди. — дейди Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши масъул ходими Нодир Жумаев. — Мазкур ҳолатларни инобатга олиб,

судьядан Азамат Омоновга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чорасини қўллашни сўрадик. Мурожаатимиз қаноатлан-тирилди. Йигит яқинлари бағрига қайтди.

— Президентимизга мен каби адалган фуқароларни кечириб, ҳатосини тузатишга имкон яратиб бергани учун чин юракдан раҳмат айтман, — дейди Азамат ўпаси тўлиб. — Келажакимиз ўйлаб, жон қуйдирган Ёшлар иттифоқи, Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши мутахассисларидан ҳам беҳад миннатдорман. Ватанига содиқлигини ҳалол меҳнат билан исботлайман.

Яқинда Азамат Омонов ўз ихтиёри билан Иттифоққа аъзо бўлди. Энди уни ишга жойлаштириш бўйича тегишли чоралар қўрилмақда.

хонадон ҳам мавжуд.

Бошқа бир ҳолатга Ёшлар қаратайлик. Диний экстремистик фаолияти туфайли жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган анджелик ҳамюртларимиз билан профилактик суҳбатлар ўтказиш мақсадида тарғибот гуруҳлари тузишга тузилган-у, бироқ тарихига биронта ҳам имом-хатиб кирмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Миллий интернет сегментидеги ахвол ҳам қониқарли эмас. Uz доменда диний мавзуларни ёритадиган 32 та расмий сайт рўйхатдан ўтганига қарамай, ҳеч бирини фойдаланувчиларнинг саволларига тезкор жавоб берилмайди. Натижада қизиқувчан ёшлар эътиборини мафқуравий нопок тармоқлар “илиб” кетяпти.

Йўғилиш иштирокчилари асоси танқид ва эътирозларни инобатга олиб, келгуси фаолиятида уларни, албатта, инобатга олишини таъкиллади.

(Фуқароларнинг ўзини ўзи боқарши органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқаруви матбуот хизмати тақдим этган маълумотлар асосида тайёрланди).

DUNYO BIZ HAQIMIZDA



“CORRIERE DELLA SERA” КУЧЛИ БЕШТАЛИККА КИРИТДИ

Италиянинг нуфузли “Corriere Della Sera” газетаси жорий йилнинг ёз мавсумида саёҳат қилса арзийдиган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Унда Ўзбекистон энг юқори поғоналардан бирини банд этиб, Уругува, Андаман ороллари, Замбия ва Финландия билан бир сафга қўйилган.

Нашр экспертлари бундай натижага мамлакатимизда ҳукм сураётган барқарор вазият, руй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, янги сайёҳлик йўналишларининг очилгани, пул алаштиришдаги мақбул қўйилган ва бошқа шу каби омилларни сабаб қилиб кўрсатган. Шуларни инобатга олган ҳолда, “Corriere Della Sera” Ўзбекистон йўналишига “Юқори тезликдаги Ипак йўли”, дея таъриф берган. “Марказий Осиё мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистонда мавжуд бўлган юқори тезликда ҳаракатланувчи поездалар Ипак йўли бўйидаги бетакор маданий меросга эга бўлган айрим шаҳарларни бир-бири билан боғлайди. Тошкентдан Самарқандгача (344 километр) бор-йўғи икки соат, сўнгра Бухорогача (поиттахдан 600 километр) 3,5 соат вақт кетади, холос”, — деб ёзади газета.

Материалда таъкидланганидек, “кўпгина қийинчиликларга қарамай, Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган янги сиёсат мамлакатни демократия йўлидан етакламоқда. Бироқ ҳаммага таниш бўлган ўзбекна самимият узармай қолмоқда”. Мамлакатимиз бағрида жойлашган ҳар бир мейворчилик дурдониси ҳусусида алоҳида тўхталар экан, Италия нашири Бухорони муқаддас шаҳар, “ислом қуввати, дин ва маданият юраги”, деб атаган. “Шаҳрисабз минтақанинг асосий шаҳарларидан бири, Амир Темур туғилган гуша; Хива — энг фусункор шаҳар, Самарқанддаги машҳур Регистон майдони эса, ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган энг гузал қадимжолардан бири, Улугбек расадхонаси — Ўрта асрнинг энг машҳур объектидир”, — қайд этади “Corriere Della Sera”.

15 ЙИЛДАН БУЁН БИРОДАРМИЗ

Бухоро ва Бонн шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилганига ўн беш йил тўлади. Шу муносабат билан Германияда тантанали маросим бўлиб ўтди.

Бонн шаҳри мэрияси, Ўзбекистоннинг Германиядаги дипломатик ваколатхоналари ва Германия-Ўзбекистон дўстлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда немис сиёсий, иқтисодий ва жамоатчилик доиралари вакиллари, шунингдек, Бухоро шаҳри ҳокими Карим Камолов бошчилигидаги делегация иштирок этди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар, эришилаётган натижалар ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламини ишлар ҳақида сўз юритилди. Иштирокчилар эътиборига республикамизнинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳияти, сармоёдор

ҳамда сайёҳлар учун яратилган қўлайликлар ҳақидаги тақдимот ҳам ҳавола этилди. Бонн шаҳри мэри Ашок Сридхаран Бухоро ва Бонн ўртасидаги биродарлик алоқалари жадал ривожланаётганини таъкиллади. Бунда, айниқса, Германия — Ўзбекистон дўстлик жамияти ва Ўзбекистоннинг Германиядаги дипломатик ваколатхоналари муҳим роль ўйнамоқда. Улар ёрада ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламини ишлар ҳақида сўз юритилди. Иштирокчилар эътиборига республикамизнинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳияти, сармоёдор

“Жаҳон” АА материаллари асосида тайёрланди.

DOLZARB MAVZU

БИЛИМСИЗЛИК АДАШТИРАДИ

Роҳатой ҚОДИРОВА

Диний эътиқод, маданият, таълим масалалари инсоннинг руҳий камолоти, қалб покзаллиги ва маънавий юксалиши учун гоят муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бу уч бирликка қанчалик эҳтиёж сезмайлик, ҳар бирига ўта синчковлик билан ёндашмоқ, нозик жиҳатларни эътибордан қочирмаслик даркор. Акс ҳолда, нотўғри талқинчилар тазовига тушиб, адашмоқ ҳеч гап эмас.

Таассуфки, ана шундай ҳақ йўлдан отганлар оралида учраяпти. Исломининг асл моҳиятини тушунаганга, муқаддас динимиз замиридаги инсонпарварлик ғояларидан беҳабарлиги туфайли ғарзани оқимларга қўшилаётган ёшларни фақат маърифатнинг нури мағеи билангина тўғри йўлга солиш мумкин. Бунда дин пешволаридан алоҳида фаоллик, ташаббус-

корлик, кези келса, ҳушёрлик ҳам талаб қилинади.

Ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш бўйича республика ишчи гуруҳи Бўз ва Улуғнор туманларидаги фаолиятини яқунлар экан, Андижон вилоятининг имом-хатиблари билан ҳам учрашди. Фаоллик борасида кузатилаётган сусткашликлар тинга олindi. Хориждаги меҳнат мигрантлари билан тушунтириш

ишларини олиб бориш, улар юртига қайтиб келгач, ўз яқинлари ва қариндошлари орасида ёт ғояларни тарғиб қилишига йўл қўймаслик, кенг жамоатчилик вакиллари, айниқса, ёшларнинг исломга доир савол-ларига аниқ-равшан, муқаддас Қуръони карим оятлари ҳамда саҳих ҳадислар асосида жавоб бериш зарурлиги таъкилланди. Исом эзгулик дини эканини намоён этиш орқали адашганларни соғлом маънавий муҳитга қайтариш имом-хатибларимиз олдидаги долзарб вазифа экани ва бу масалани давлатимиз раҳбарининг шахсан кун тартибига қўйгани эслатилади.

Тан олиш керак, ҳозирча вазият кўнгилдагидек эмас. Мавсумий ишлаш мақсадида мусофир юртларни макон қилиб, экстремистик гуруҳлар таъсирга тушган, ўзининг онги захарлангани етмаганидек, бошқаларга ҳам ёт ғояларни сингдиришига

уриняётган кимсалар республикамиз бўйлаб ҳамон учрамоқда. Андижон ҳам истисно эмас. Масалан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятдан етти нафар меҳнат мигранти (Андижон шаҳри, Андижон, Асака, Қўрғонтепа, Пахтаобод, Хўжаобод туманлари вакиллари) диний экстремистик ташиқлотларга аъзо бўлиб киргани аниқланди. Шундан икки нафари Ўзбекистонда, қолганлари эса, хорижда истиқомат қилмоқда.

Бўз туманидан олти нафар шахс қидирувга берилган. Уларнинг икки нафари Суриядаги жангари террорчиларга қўшилган. Яна бир жуфти илгари террорчи ташиқлотлар сафида бўлиб, ҳозирда Туркияда яшамоқда. Шу билан бирга, туманининг “Деҳқонобод” ва “Янгиқиллоқ” маҳаллаларида махсус ҳисобдан чиқарилган, лекин ҳали-ҳануз ижтимоийлашуви қийин кечаётган ундан ортиқ

7 КУНДА ТИКЛАНГАН “КЎПРИК”

(Бошланиши 1-саҳифада)

Тантанали кутиб олиш маросимидан сўнг ватандошларимиз Ёшлар марказига йўл олди. Бу ерда улар вилоят ҳокими Уктам Барноев билан учрашди. Тадбир аввалида ҳудуд раҳ-

бари меҳмонларга ташриф учун миннатдорлик билдирди. Бугун юртимизда ёшлар тенгсиз инсоний ресурс сифатида қабул қилинишини таъкиллаб, хориждаги ватандошларимизни амалга оширилаётган кенг ислохотлар жараёнида фаол қатнашишга

чорлади. “Сизлар учун барча шароитларни яратишга тайёрмиз. Агар имкониятлар эшиги торлик қилса, ёнидаги деворларни бузиб, кенгайтириб берамиз”, — деди У.Барноев. Меҳмонлар ҳам ўз фикрлари билан бўлишди.

— Ҳиндистон ёшлари Ўзбекистон ҳақида кўп эшитган ва бу муқаддас заминга келишни хоҳлайди, — дейди Деҳқон технологиялар университети талабаси Умирбек Муротов. — Лекин барчасининг ҳам моддий имконияти йўқ. Икки мамлакат ёшлари учун турли форум ва фестиваллар ўтказиб турилса, бу масала ўз-ўзидан ечим топган бўларди, деган фикрдаман.

Учрашув давомида Бухоро ҳақида тарихий фильмлар суратга олиш, диққатга сазовор объектиларга элтувчи йўлларда электрон таблолар ўрнатиш, чул зонасида авторали ва бошқа шу каби мусобақаларни ташкил этиш тақлифлари берилди. Мутасаддилар ушбу ташаббусларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини айтди.

Очиқ мулоқот маҳорат дарсларига уларни кетди. Дунёнинг



турли давлатларидан келган йигит-қизлар ўз билим ва тажрибасини бухоролик ёшлар билан уртоқлашди. Хорижда таълим олиш ва меҳнат қилишга доир тавсиялар берилди. Мазмунли мулоқотни яқунлаб, меҳмонлар қадим кентнинг тарихий манзиллари сари саёҳатга отланди. 15 апрель куни пойтахтимиздаги Ёшлар пресс-клубида халқаро фестивалининг ёпилиш маросими

бўлиб ўтди. Унда лойиҳанинг илк натижалари сарҳисоб қилинди.

— Ёш ватандошларимиз билан ҳамкорлик алоқаларини тиклашдан мамнунмиз, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Камолдин Бекназаров. — Фестиваль баҳонасида кўплаб илму салоҳият соҳибларини кашф қилдик. Ўйлай-манки, бошланган эзу ва улкан ҳаракат бесамар кетмайди.



SIZ NIMA DEYSIZ?

Султонбой АЛЛОНОВ

Бу ёруғ оламда фарзанд тарбия қилиб, камолга етказишнинг ўзи бўлмайди. Ота-она ҳамisha зурриёдиннинг ҳаловатини ўйлаб, елиб-югуралади. Қиз узатиб ёки ўғил уйлантириб, тинчидим деганида ҳам ёш оилада низо-жанжал кўпчиши мумкин. Ачинарлиси, ҳозирда бундай дилхираликлар тўтуруқсиз "орзу-ҳавас"лар тўфайли ҳам келиб чиқмоқда.

Бошқи қотирғувчи

Тунов кунни автобус пойлаб бекатда турганимда пойтахтимиздаги 6-туғруқ комплекси ҳовлисидаги бир манзарадан ҳайратга тушдим: бўйнига фотоаппарат илиб олган икки киши, қўлида гул тутиб турган, башанг кийинган аёллар, бўйи икки метрча келадиган кўён ва кўзойнакли мушук кийимидаги ёш йигитлар, чақалоқ

бўлиб қолдик. Ёнимиздаги яна бир опахон суҳбатга қўшилиб, набирасига қовурдоқ олиб борганда масофадан бошқарилувчи (пульта) машина олмагани учун қўда-андалар ўртасига совуқчилик тушиб, ўша икки миллионлик ўйинчоқни етказиб бериши билан ҳаловати қайтганини айтди.

ҚАРЗГА БОТИРГУВЧИ "ОРЗУ-ҲАВАС"ЛАР

билан суратга тушаётган бир гала болалар... Уша томонга аста одим-ладим. Томошталлаб бир аёлдан шунча тадорик нима сабабдан бўлаётганини суриштирдим. Суҳбатдошим ҳам тулиб турган эканим, дари-ҳол қилиб кетди: — Чақалоқни туғруқхонадан олиб чиқиш маросимлари қанчон, қаердан пайдо бўлган ўзи, ўйлаб ўйимга етолмайман! Бир ҳафта олдин набиралик бўлдим. Келиним ўғлимга: "Мени ҳам туғруқхонадан тантана билан олиб кетасиз", — деб шарт қўйди. Райини қайтара олмай, ўн миллион қарз

— Дарвоқе, ҳали олдинда бешик тўйи ҳам бор, — давом этди аввалги суҳбатдошим оғир хўрсинганча. — Мен сизга айтсам, бозорда нарх-наво осмонда. Чорсуда бешик — 130 минг, болалар аравачаси — 500 минг сўмдан сотиляпти. Велосипедлар эса — 190 минг сўмдан бошланади. Болага каравот оламан десангиз, камиди 750 минг сўм харажат қилишингиз керак. Ҳар мавсум учун уст-боши билан ҳисоблаганда устига яна 1 миллион қўшасиз! Ундаш ташқари, қайноса, қайнонаси, борингки, бутун оила аъзоларига сарпо-су-

руғ қиласиз. Эҳ-ҳе, шунча маблағни қаердан олишни билмай, бошим қотган. Хола айтган нарсаларнинг нархини бир-бирига қўшиб туғул, ҳатто эслаб қолшга улгурмадим. Бунақа даббааблар кимга керак?! Чақалоқни ўта замонавий автомобилда ҳаммага кўз-кўз қилиб олиб кетган билан бирон нарса узгарармиди? Шу орада боғия туғруқхона олдиди маросим ҳам тугади. Сочи турмакларган, катта гулдастани тутганча ҳаммага масрур боқаятган она, фарзандини кўтариб олган бахтиёр ота, бир қанча хотин-халаж ва болалар

лимизинга ўтириб, манзилга равона бўлди. Томошабинлар ҳам тарқалди. Бир пайт яна эшик очилиб, навбатдаги жуфтлик чиқиб келди. Буларники нима бўлар экан, деб турсам, иккиси атрофга шодон боққанича йўловчи машина тўхтади-да, утириб кетди. Атрофга алангайман. Наҳотки буларнинг орқасидан ҳеч ким келмаган бўлса? Уйга толдим: туғруқхоналар раҳбарлари чақалоқни олиб чиқиш билан боғлиқ тантаналарга қатъий тақий қўйса, ўзини кўз-кўз қилувчилар камаярмиди... Орадан кўп вақт ўтмай,

Яккасарой туманидаги 8-туғруқ комплексига йўлим тушди. Бу ердаги ҳолат тамоман бошқача. Ҳаммасидан ҳам эшикдаги езув эйтиборимни тортди: "Бинога биттадан ортиқ машина, юшюқ ўйинчоқ кийимиди шахсларнинг кириши мумкин эмас". Мазкур ҳолат юзасидан раҳбариятнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдим. — Орузу-ҳавасли халқимиз, аммо йиллар давомида мисқолаб топганимизни бир соатда сарфлаб юбориш турри эмас, — дейди туғруқ комплексининг бош шифокори Камолддин Зиявуддин

нов. — Баъзан муассасамизга ҳомиладорлик вақтида яхши парвариш қилинмаган, керакли муолажаларни ололмаган аёллар келтирилади. Бироқ туғруқхонадан чиқаятганида даббабани кўриб, ҳайратдан ёқанини ушлайман. Ҳар қандай ҳолатда ҳам меъёрни билаюқ зарур. Афсуски, ҳою ҳавасга муккасидан кетиш, йўқни бор қилиб кўрсатишдек иллатлар ҳаётимизда тобора эътиборимни тортди: "Бинога биттадан ортиқ машина, юшюқ ўйинчоқ кийимиди шахсларнинг кириши мумкин эмас". Мазкур ҳолат юзасидан раҳбариятнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдим. — Орузу-ҳавасли халқимиз, аммо йиллар давомида мисқолаб топганимизни бир соатда сарфлаб юбориш турри эмас, — дейди туғруқ комплексининг бош шифокори Камолддин Зиявуддин

MOZIYGA NAZAR

Буюк силсиланинг нозик ҳалқалари

Сўхроб ЗИЁЕВОВ, талаба

Ўзбек аёллари ҳар соҳада илғор. Улар орасидан қанчалар-қанча олима ва шоиралар, заҳматқаш фермерлар, тадбиркорлар, моҳир сиёсатчию давлат арбоблари етишиб чиққан. Ўткир зеҳни, ибодатчилик билан замондошларига ўрнатилган кўрсатиб, тарихда ном қолдирган оқила ўзбек аёллари ҳам кам эмас. Ҳатто Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг бунёд бўлиши ва равнақ топишида ҳам сарой маликалари муносиб ҳисса қўшган.

Бобомиз давлат ишлари-ни юритиш, муҳим сиёсий қарорлар қабул қилишда ақл-заковатда беназир, суюкли рафиқаси Сарой-мулхоним билан кўп бора кенгашиган маълум. Тарихий манбаларда "Бибихоним" ("Катта хоним") унвонига сазовор бўлган бу малика бобомиз узоқ сафарларга отланганида мамлакатни бошқариб тургани айтилади. У мадраса қурдириб, илму маърифат аҳлига ҳошимлик қилди. Сароймулхонимга чексиз ҳурмат ифодаси сифатида Амир Темур фармони билан Самарқандда масжид ҳам барпо этилган. Мирзо Улуғбекнинг волидиси Гавҳаршодбегим теуруий маликалар орасида дида-фаросати, қатъияти, тадбиркорлиги билан ажралиб турарди. У мамлакат ривожига катта ҳисса қўшган. Ҳиротда иккита мадраса қурдирган. Тарихшунос Абдураззоқ

Самарқандий шундай ёзади: "Замон бонуси, жаҳон маликаси... Гавҳаршодбегим баланд мартабали, покизалик ва ифтихор пардаси билан ўралган, хатти-ҳаракати оидона, пок, олиҳиммат ва улғу мақсадли малика эди. Бу машҳур маликадан тириклар оламига кўп хайрли ёдгорликлар қолди". Матонат соҳиблари ҳақида гап борганда Ватан тинчилиги ва халқ осойиши учун жонини ҳам аяманган Ҳадиҷабегим ҳақида сўзламасак бўлмас. Бу аёл чинакам жасорат тимсолидир. Шайбонийхон босқини пайтида Самарқанд қамалида қолган укаси — Бобур Мирзо ва миллатдошларини омонлиги учун малика ёв қўлига узини тоширади. Ҳадиҷабегимнинг давлат ишларига ҳам фаҳми етарди. Шу боис узоқ вақт Бобур ва унинг вориси Ҳумоюн саройида маслаҳатчи вазиғасини бажарган.

YOSHLIK ILHOMI

Ангелов ёмғири

Олимабек ААТИПОВ

Осмонни қора булуғт қоплаб, ёмғир ёға бошлади. Йигит ўзини пангага олади. Қиз эса, кафтларига тушаётган томчиларни ушлаб қолшига интиларди. Ёқимсиз ҳаводан юзи тундлашган йигит қизга қараб: — Ёмғирнинг нимасини яхши кўрасан? Шундай ажойиб сайрни бузди! — Уларни айбламанг. Ёмғир қалбағи губорларни ювиб, хира торган туйғуларни равшанлаштиради. Келинг, сиз ҳам бу бахтдан баҳраманд бўлинг. Содоман бахт ёмоқда-ку, ахир! — деми қиз севишиб. Йигит бунни қатъий рад этди: — Қўйсанг-чи, одамлар нима деб ўйлайди?! — Эҳ, сизни қаранг-й!... Қиз кафтларини тутганча томчиларни ушлаб олишга уринди...

Қоп-қора булуғтлар жам бўлди-ю, яна ёмғир бошланди. Чақмоқ чақиб, осмон наъра тортиди. Йигит азбаройи жаҳди чиққанидан ўзини тутиб туролмай, қизга ўшқиради: — Нега сен ҳамма қатори оддий инсон бўлиб ўшайвермайсан?! Қара, ҳамма бизга қараяпти. Ҳалати қилиқлар қилишинг шартми?! — Нимаси ғалати? Аслида ўзини ёмғирдан пангага олиб қочаятган одамлар ғалати. Улар ўз бахтидан қочмоқда. Кўксимни ёмғирларга тутишдан уялмайман! — Бас қил! — деми сабр қосаси тулган йигит. — Қарашаримиз бир-бирга тўғри келмас экан, ортиқ бирга бўлолмаймиш! Шу ерда ҳаммасига нуқта қўйганимиз маъқул! — Сиз ҳам бахтингиздан қочаяпсизми? Омон бўлинг! Киз орқасига қарамай кафтини томчиларга тўлидириб кетаверди...

Орадан йиллар ўтди. Инсонларга бахт улашиб сел-сел ёмғирлар ёғди. Ана шундай кунларнинг бирида улар яна учрашди. Энди улар ёлғиз эмас — қизнинг ўғли, йигитнинг эса, қизалоғи бор эди. Ниҳодлари яна тўқнашган йигит ва қиз бекатда жим турарди. Аммо йигитнинг қалби ўртанарди. У ўша "ғалати"ни тельбаларча соғинса, нима қилсин?

QING, BU QIZIQ!

Сувдаги сиёнат

Жаҳонгир РАҲМАТОВ, талаба




Манқанган инсонга сув тутас: "Сувдек сероб бўлинг", — деб тилак биладилади. Бундай ҳикमत бор. Зотан, мутафаккир аждоғларимиз олов, сув, ҳаво ва туғруқ тимсолида ҳаёт ибтидосини кўрган. Кўҳна Римда эса, сув тирик мавжудотлар қаторида қўрилиб, руҳини поклаш мақсадида одамлар унга эътиқод қўйган.

икки фозини йўқотишимиз билан чанқай бошлаймиз. Бу миқдор 8-10 фозига етганда ўлим ҳолати юз бериши мумкин. Ичимлик сувига бўлган эҳтиёж овқатланиш тартиби, кишининг ёши, соғлиғи, меҳнат фаолияти, яшайдиган муҳити ва иклим шароитига бевосита боғлиқ. Лекин ҳар қандай шароитда, истаган инсон кунига 2-3 литрча сувга эҳтиёж сезади. Бу талабининг бир қисми одатда, турли шарбату егуликлар ҳисобига қондирилишига

“СЎЗЛАГУВЧИ” КИТОБЛАР

Дилшода АВВАЛБОВА



Замонамиз шиддатлашиб бораётир. Ҳар нарсада тезкорлик талаб қилинапти. Кези келса, бироз тин олиб, китоб мутолаасига ҳам вақт ажрата олмайсан, киши.

Бундай дамларда аудио китоблар ёрдамга келади. Қўлайлиғи шундаки, уларни бирон юмуш бажариб туриб ҳам тинглаш мумкин. Қариялар, болалар, ўқини билмайдиган ёки кўзи ожиз инсонларга, айниқса, қўл келади. Масалан, майда ҳарфларга кўзи ўтмай қолган буним ҳозир маънавий озуқага эҳтиёжини асосан "сўзлағувчи" китоблар орқали қондиришмоқда. Болалигимда оилавий узоқ сафарга отлансак, йўлда зерикмаслик учун ўзим билан китоб олиб кетардим. Аммо дадам транспорт воситасида китоб ўқиш кўз учун зарарли эканини айтиб, бунга руҳсат бермасди. Айни пайтда

истеъмол қиладиганларига қараганда бирмунча юқори бўлишини илмий исботлаган. Эътибор берганимиз, кайфиятимиз бузилганда ёки муаммолар гирдобига қолганда сокин оқаётган сойни кўрсаймиз, юз-қўлимизни муздак сувга ювгач эса, қалбимиздаги губорлар тозаланиб, енгил тартаман. — Ёмон тушни сувга айтган деган нақлда ҳам сир-синоат бор. Ило, мутахассисларнинг аниқлашича, тошқин дарё, денгизу океанлардан тортиб, ҳар кунни истеъмол қиладиган сувимизгача инсондаги салбий кувват ва таассуротларни ўзига сингадира олар экан. Машҳур океанолог Жак Ив Кусто: "Ер — умумий уйимиз, сув эса, унинг қон томиридир", — деб айтган. Биланмики, томирда оқаётган қон бузилса, вужуд касалланади, инсон оғир аҳволга тушади. Боримиз ва борлигимиз бевосита сувга боғлиқ. Шундай экан, бу бебаҳо неъматни келгуси авлодларга безавол етказиш ҳар биримиз учун муқаддас бурч.

аудио китоблар йўл давомида мени нафақат зериктирмайдилар, балки дунёқарашимнинг янада кенгайишига хизмат қилмоқда. Вақт ҳам тежаллади. Боиси суҳандон 250-300 бетли китобни ўртача салқис-тўққиз соат ичида ўқиб-туғатади-да. Илк аудио китоблар 1931 йилда уруш тўфайли куриш қобилиятини йўқотган инсонлар учун яратилган эди. Кейинчалик улар аҳолининг кенг қатламлари орасида оммалашди. Ўтган асрнинг 80-йилларидан Ғарб мамлакатларидаги нашриётларда аудио бўлимлари очила бошланди. Аудио китоблар кўпгина афзалликларга эга бўлса-да, бироқ босма адабиётларнинг ўрнини бутунлай босолмайди. Яқинда Канададаги Ватерлоо университети тадқиқотчилари бунни исботлаб ҳам берди. Улар 235 нафар кўнгилига босма, электрон ҳамда аудио китобларни ўқитган. Натижда босма китобдан олинган маълумотлар кўпроқ ёзда сақланиши, ўқувчининг диққатини бир жойга жамлашга ёрдам бериши маълум бўлди.

PSIXOLOG MASLAHATI

Турмуш ўртоғим билан оила қўрганимизга беш йил бўлди.



Лобар ДУСТАМОВА Янгиёулдувани

— Турмуш ўртоғим билан оила қўрганимизга беш йил бўлди. Охири икки-уч ойдан буён мени бир ғалати ҳолат безовта қилмоқда: эримни бебабаб қаттиқ рашк қиладиган бўлибман. Бутун фикру зикрим шу бемани ҳаёл билан банд. Худди бу фикрнинг кимшир мажбуран сингадираётгандек. Жуа ҳавотираман! Маслаҳат беринг, нима қилсам бўлади? — Аслида рашк инсоннинг нормал психологик ҳолатига кирди. Лекин у сурункал тус ола ва борган сари кучаяверса, охир-оқибат, сизни касал қилиб қўйиши аниқ. Қаттиқ сиқилиш нафақат мияни, балки бутун организмни толиқтириб, оғир бошишни зинҳор унутманг. Сизда руй бераётган ҳолат ўзингизга бўлган ишончининг сустиғини кўрсатиб турибди. Эҳтимол, ўзингизни чиройли, жозибдор ва бетакрор, деб ҳисобламаётгандирсиз. Бундай кайфият аёл кишини ҳуноб қилади. Даставвал, ташқи қиёфанингизни узгартиришини маслаҳат берман. Бошқача соч турмаги, пардоз, ўзгача услубдаги кийимларни танланг. Рашк ҳисси ичингизни ҳадеб тирнайвермаслиги учун ҳаёлни қалғитиш керак. Масалан, дугоналар билан сайрга чиқиш, кино ёки театрда бориш, ижтимоий ташаббусларга бош қўйиш мумкин. Хуллас, турмуш ўртоғингиз устиз ҳам мароқ билан вақт ўткази олишингизни, мустақил ва кучли бўлиш қўлингиздан келишини кўриб қўйсин. Шунда сизни йўқотишдан қўриқиб, ўзи таллина бошлайди. Яна бир маслаҳат: рашкни енголмай, безовталаниб юргандан қўра, мазкур ҳолат юзасидан жуфтингиз билан бамайлихотир гаплашиб олганингиз маъқул. Агар у сизни тўри тушунса, албатта, ёрдам беради. Бироқ баъзи эркаклар табиятан дилдор бўлгани бонса, аёли шунсиз ҳам қўйиладиганини била туриб, пайт пойлаб, рашкни баттар алангалатишга ҳаракат қилади. Бундай вазиятда психолог ҳузурига келишдан ўзга чорангиз йўқ.

BIR SHINGIL FALSAFA

Аҳамбек АЛИМБЕКОВ

Йиртиқ

"Дустим, — деми Камолжон ота, — бизнинг вақтинчада йиртиқ нарса кийиш ўзингизга эътиборсизлик, нуқсонини берки-томмаслик саналарди. Ҳозирги айрим ёшларимизга ҳайронман, айниқса, қизлар йиртиқ шим кийиб юрганини кўрсан, ўзимни айбдордек сезаман. Ё тавба, йиртиқни куз-куз қилар замон кепти-я! Бу фаросат "йиртиқ"ни кўрсатётганиман ё?..."

МУАССИС ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ
Камолддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова – бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина – масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").
ДИЗАЙНЕРЛАР
Рўзиев Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуриш Уктамонович
Навбатчи
Абдурахмон Жўраев
«YOSHLAR OVOZI» дан материалларни кўчириб босиш тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилик кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
E-mail: yoshlarovozi@mail.uz
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.
Бўғиртепа 1-436
Адрес — 22799
Воллери таърифи билан: 21.00
Телфони — 13.40
Рақ. нумари — 22.00
Объект устулда босилган.